

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12. 2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСАСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИҚУЛОВ РАВШАНЖОН ШАВКАТОВИЧ**

**ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БЎЛАЖАК  
КИМЁ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ДЕДУКТИВ ТАҲЛИЛ  
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Бердикулов Равшанжон Шавкатович**

Таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак кимё ўқитувчиларининг  
дедуктив таҳлил кўникмаларини шакллантириш.....

3

**Бердикулов Равшанжон Шавкатович**

Формирование навыков дедуктивного анализа будущих учителей химии в  
условиях модернизации образования.....

23

**Berdikulov Ravshanjon**

Forming the skills of deductive analysis of future teachers of chemistry in  
conditions of modernization of training .....

43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12. 2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСАСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИҚУЛОВ РАВШАНЖОН ШАВКАТОВИЧ**

**ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БЎЛАЖАК  
КИМЁ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ДЕДУКТИВ ТАҲЛИЛ  
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped314 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Миркомиллов Шавкат Миромиллович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Махмудов Юсуп Ғаниевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Нуралиева Гўзал Абдухамидовна**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Навоий давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12. 2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-67-35 / факс: (99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-67-35.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Х.Т. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор,

**Д.А.Гафурова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби,  
к.ф.д., доцент

**З.А.Сманова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда рақамли иқтисодиёт шароитида таълим жараёнлари самарадорлигини бўлажак ўқитувчиларнинг индуктив ва дедуктив таҳлил кўникмалари, мантик қоидаларини предметга сингдириш орқали ривожлантириш механизмлари татбиқ этилган. 2015 йил май ойида Кореянинг Инчеон шаҳрида жаҳоннинг 160 дан ортиқ давлатидан 1600 дан ортиқ иштирокчи қатнашган Бутунжаҳон форумида жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепцияси, яъни «Таълим 2030» – Инчеон Декларацияси қабул қилинди ва бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш долзарб вазифа сифатида белгиланди. Узлуксиз таълим тизимида педагоглар, жумладан, ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида методик тайёргарлик даражасини ошириш, ижодий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Дунёнинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бўлажак кимё ўқитувчиларининг индуктив ва дедуктив таҳлил кўникмаларини ривожлантириш, анорганик кимёни ўқитишда дедуктив таҳлил технологияларидан кенг фойдаланиш, халқаро баҳолаш дастурини татбиқ этишни такомиллаштириш, кимё ўқитишга интегратив ёндашиш асосида таълим мазмунини модернизациялаш, таълимга замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, касбий компетенцияларини такомиллаштириш, анорганик кимёни ўқитишга ахборот технологияларини жорий қилиш, ўқитишда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш каби масалаларга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда ХІ йиллик таълимга ўтиш, профессионал таълим муассасаларини ташкил этиш, янги классификаторлар, ўқув режа ва дастурлар яратишнинг меъерий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ҳамда кимё ўқитишнинг зарурий моддий-техник негизи яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида алоҳида таъкидланганидек, «кимё ва биология фанлари бўйича чуқур ўқитиш ҳудудларда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшимча қиймат яратадиган фармацевтика, нефть, газ, кимё, тоғ-кон, озиқ-овқат саноати тармоқларини жадал ривожлантиришга тўртки беради ҳамда пировард натижада, халқимиз турмуш шароити ва даромадларини оширишга пухта замин ҳозирлайди». Кимё ва биология йўналишида узлуксиз таълим сифатини ҳамда амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар ва инновация ишлари натижадорлигини ошириш имкониятлари яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон фармонлари, 2020 йил 12 августдаги «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4805-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сон қарори, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш»нинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кимё ўқитиш методикаси соҳасида ўзбек олимлари томонидан кимё фанида ижодий билиш фаолиятини шакллантириш ҳамда кимё дарсларида ўқувчи ва талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш бўйича Ҳ.Т.Омонов, Н.Г.Раҳматуллаев, Ш.М.Миркомиллов, М.Нишанов, Ш.К.Мамажанов, Ф.Алимова, Л.Зайлобов, О.Стешина, М.Ажиева, Х.Ражабов, Б.Дўмонов, И.Шерназаров, Ш.Шомуротова; таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича А.А.Абдуқодиров, Б.С.Абдуллаева, Б.Х.Ходжаев, Г.Н.Ибрагимова, А.Р.Арипджанова, А.Ю.Бакирова, Б.С.Садуллаева, З.Х.Абдиназарова, У.Н.Абдиев, А.С.Абраҳманова, Г.А.Умарова, Г.М.Эргашева, Г.С.Эргашева, М.Джораев, Ю.Ғ.Маҳмудов, Ж.Усаров, Э.Хужанов ва бошқ. томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

МДҲ давлатлари олимлари В.Н.Тарковский, С.Ю.Андреева, С.В.Гарин, Е.С.Артемьева, С.О.Пустовит, Г.Ю.Андреева, Г.М.Чернобелльская, С.С.Космодемьянская, С.И.Гильманшина, Н.П.Безрукова, А.Ю.Кравцова, М.А.Шаталов, М.Васелевски, Н.В.Акамова, В.П.Беспалько, А.П.Пузанов, С.А.Паничев, М.С.Пак кабиларнинг тадқиқот ишларида таълим тизимида техник воситаларни қўллашга оид илмий-ижодий ёндашувлар ўз ифодасини топган.

Raymond Chang, Jason Overby, P.W. Atkins, T.L. Overton, J.P. Rourke, M.T. Weller, and F.A. Armstrong, Yuruk N., Eroglu P., Zhengchu Tan, James P., Antonio E., Stefano Galvan, Elena De Momi, Ferdinando Rodriguez, Mahaffy P., Erduran S., Bowen C. W., Johnstone A. H. каби хорижлик олимлар кимё таълимини такомиллаштириш масалалари билан шуғулланган. Анорганик кимё фанини ўқитиш жараёнида дедуктив таҳлилдан фойдаланишнинг

методик-дидактик асосларини такомиллаштириш алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда олий таълим соҳасида таълимни интернационализация ва модернизация қилиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини ривожлантириш имкониятларини фалсафий, психологик-педагогик ҳамда методик таҳлил этиш;

анорганик кимё дарсларида дедуктив таҳлил материалларини танлашда фойдаланиладиган технологияларнинг педагогик имкониятларини ривожлантириш;

анорганик кимёни ўқитишга мантикий қоидаларни сингдириш;

анорганик кимёни дедуктив таҳлилдан фойдаланиб ўқитиш моделини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида жами 302 нафар талаба ва 77 нафар кимё ўқитувчиси қатнашди.

**Тадқиқотнинг предмети** – таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини такомиллаштириш шакл, метод, восита ва имкониятлари.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот жараёнида мавзуга доир психологик-педагогик ва методик манбалар, дидактик ва тарқатма материаллар, тажриба-синов натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, педагогик тажриба-синов, математик статистика методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмалари, ўқув-ижодий фаолиятини ривожлантириш учун замонавий (муаммоли, интерфаол) таълим технологияларидан фойдаланишга устуворлик беришнинг дидактик, методик имкониятлари ривожлантирилган;

бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил фаолиятини ривожлантириш компетенциялари кимёвий саводхонлик, мантикий тафаккур, кимёвий билимларни амалиётда қўллаш, креатив ёндашув асосида муаммоли вазиятларни вужудга келтириб ўқитиш технологиялари ва таълим стратегиялари уйғунлигида такомиллаштирилган;

анорганик кимё дарсларида шакллантириладиган яхлит тизим сифатида коммуникативлик, электрон ахборот-таълим ресурсида фойдаланиш, ўз устида ишлаш, креативлик, башорат қилишни ўз ичига олган моделнинг иқтисодийнинг реал сектори талабларига мос методологик, мазмунли, ташкилий-методик ва натижавийлик компонентлари аниқланган;

анорганик кимё фанини ўқитишда мавжуд инновацион технологиялар базаси, халқаро таълим тизими талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош, иқтидорли ўқитувчиларнинг дедуктив таҳлил кўникмаларини ривожлантириш бўйича илмий-методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бўлажак кимё ўқитувчиларига анорганик кимёни ўқитишда дедуктив таҳлилдан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш ижтимоий-педагогик зарурат эканлиги асосланган ва анорганик кимё фанини ўқитиш жараёнида талабаларни бу фаолиятга тайёрлашнинг шакл, метод, восита ва имкониятлари ишлаб чиқилган;

кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши талабаларига анорганик кимё фанини ўқитишда дедуктив таҳлилни амалга оширишни жорий этиш асосида ижодий материалга доир илмий-методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши талабаларига анорганик кимё фанини ўқитиш методикасини ривожлантириш учун ижодий топшириқлар ва ёзма-назорат ишлари тўплами яратилган;

кимё ўқитиш методикаси таълим йўналишида анорганик кимёни ўқитишда талабаларнинг дедуктив таҳлил кўникмаларини такомиллаштириш бўйича ўқув қўлланма яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши талабаларига анорганик кимёни ўқитишда дедуктив таҳлилдан фойдаланишнинг методик асосларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган билим, ахборотларни тақдим этиш воситалари, йўллари, усул ва методларини такомиллаштиришни ўқитиш сифатига оид кўрсаткичлар тизими асосида ташкил этиш, анорганик кимё ўқув дастурини инновацион технологияларга асосланган дедуктив таҳлилга биноан такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, анорганик кимё дарсларини дедуктив таҳлил асосида ўқитиш жараёнини оптималлаштириш, ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш, анорганик кимё ўқитиш мазмуни ва сифатига қўйиладиган дидактик талаблар, анорганик



кимё фани бўйича ўқув дастурини ишлаб чиқиш, ўқитиш сифатини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмалари, ўқув-ижодий фаолиятини ривожлантириш ҳамда дидактик имкониятларини такомиллаштиришга оид таклифлар кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши давлат таълим стандартлари ва малака талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2966-сон маълумотномаси). Натижада, анорганик кимёни ўргатишда дедуктив таҳлилга асосланган зарурий методик негиз такомиллаштирилган ва амалиётга жорий этилган;

бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил фаолиятини ривожлантириш компетенцияларини таълим стратегиялари билан уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Кимё” ўқув кўланмаси ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 26 декабрдаги 507-сон буйруғи, 507-43 рақамли гувоҳнома). Натижада, талабаларнинг дедуктив таҳлилни амалага ошириш компетенцияларини ривожлантириш имконияти кенгайтирилган;

анорганик кимё дарсларида ўз устида ишлаш, креативлик, башорат қилишни ўз ичига олган модель компонентлари ҳамда анорганик кимё фанини ўқитишда мавжуд инновацион технологиялар базаси, халқаро таълим тизими талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош, иқтидорли ўқитувчиларнинг дедуктив таҳлил кўникмаларини ривожлантириш бўйича таклифлар асосида “Анорганик кимё” ўқув кўланмаси ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сон буйруғи, 274-253 рақамли гувоҳнома, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2966-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак кимё ўқитувчиларида дедуктив таҳлил кўникмаларини шакллантиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 28 та илмий-методик иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган; республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бўлажак кимё ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида дедуктив таҳлилдан фойдаланишнинг назарий масалалари»** деб номланган биринчи бобда аорганик кимё дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг илмий, методик, дидактик асослари, дедуктив таҳлилдан фойдаланишга доир материаллар мазмуни ҳамда уларни танлаш принциплари, ҳозирда аорганик кимё дарсларида ишлаб чиқилиши зарур бўлган ижодий мазмундаги топшириқлар тизими ва ресурсларга эҳтиёж қай ҳолатда эканлиги, уларни қайси мавзулар, қандай тартиб ва усуллар асосида тайёрлаш кераклиги ёритилган.

Ҳозирги кунда халқаро талабларга жавоб берадиган рақобатбардош кимё ўқитувчиларини тайёрлашга имкон яратадиган инновацион дидактик таъминотни яратиш, кимё таълимида кенг қамровда фойдаланиш долзарб масалага айланган. Аорганик кимё фанини мазмунан янгилаш, таълим ва тарбиянинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган концепциялар, ҳар томонлама қобилиятли ёшларни тарбиялашга бўлган замон талаблари тадқиқот ишининг нақадар долзарблиги ҳақида хулоса қилишга имкон беради.

Таҳлил этилган меъёрий-ҳуқуқий асосларга кўра, дедуктив таҳлилдан фойдаланиб, талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ҳозирги кунда жаҳон талаби даражасига кўтарилган ва уни таълим жараёнига сермаҳсул усул ва методларда татбиқ этиш талаб этилади. Самарали натижаларга эришиш учун меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришни асос қилиб олиш, дедуктив таҳлилдан фойдаланишнинг методик-дидактик асосларини инновацион усул, метод ва воситалардан фойдаланиб ташкил этиш, уларни таълим мазмунига сингдириш ҳамда улар замирида талабаларнинг таянч касбий компетенцияларини шакллантириш лозимлиги уқтирилди.

Тадқиқот натижасида бўлажак кимё ўқитувчиларида аорганик кимёни ўқитишда дедуктив таҳлилдан фойдаланиш жараёнида қуйидаги компетенцияларнинг шакллантирилиши аниқлаштирилди:

назарияни амалиётга татбиқ этиш бўйича аорганик кимёдан билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, фаннинг долзарб масалаларини аниқлаш ва уларни ўқувчиларга етказа олиш;

инновацион метод ва таълим технологияларини аорганик кимё мавзуларини ўқитиш жараёнида қўллаш олиш, фактларни таҳлил қилиш,

умумлаштириш, шу асосда хулосалар чиқара билиш;

ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш бўйича дарс шакллари ва турларини билиш, уларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш; жамият ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб бораётган инновацион таълим технологияларининг мазмуни ва аҳамиятини тушуниш; мавзулар мазмунига кўра, инновацион таълим технологияларини қўллаш олиш; анорганик кимё бўйича янги маълумот ва ахборотларни олиш, саралаш, қайта ишлашнинг математик-статистик методларига, шунингдек, усул ва воситаларига, муаммоли вазиятларда оптимал қарор қабул қила олиш билими, кўникма ва малакаларига эга бўлиш; анорганик кимё дарсларида ўқувчиларнинг нафақат амалий тафаккурини, балки фикрлаш қобилиятини ўстиришга доир методик-дидактик таъминотни шакллантириш.

Талабаларнинг таянч касбий компетенцияларини шакллантиришда дедуктив, методик, илғор педагогик ва инновацион технологияларни жорий қилиш каби вазифаларнинг бажарилишини тақозо этади.

Анорганик кимё дарсларида натижавийликка эришиш ва юқоридаги таянч касбий компетенцияларни ўқувчиларда шакллантириш учун дидактик асослар, метод, усул ва воситаларни мослаб танлаш ва таълим жараёнида қўллаш тадқиқот вазифаларининг тўлиқ бажарилишига имкон берди.

Танланган усул, восита ва методлар талабаларнинг кўриб фикрлаш қобилиятини ўстириши, амалий ва назарий билимларни ўзлаштиришга имкон бериши, танланган усул орқали белгиланган мавзу бўйича билимни ўзлаштириши; ижодий мазмундаги топшириқлар орқали ўрганган назарий билимларини амалда қўллаш олиши, мавзу мазмун-моҳиятини тушуниб, ижодий тавсифдаги топшириқларни мустақил бажара олиши ва анорганик кимё фанига доир қизиқишини ўстиришга хизмат қилишига эътибор қаратилди.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида анорганик кимё фанида назария ва амалиёт уйғунлиги ривожлантирилди (1-схемага қаранг).

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган анорганик кимё фанида назария ва амалиёт уйғунлиги яхлит тизим сифатида ўзида умумий илмий асос, ўқув фаолият, зарурий билим, тажриба-синов ва касбий фаолиятни акс эттиради.

Анорганик кимёнинг кимё соҳасидаги бошқа фанлар, шунингдек, фанлараро интеграцияси келтирилган. Бунда мавзулар юзасидан тушунчаларнинг соҳа фанлари бўйича бир-бирини тўлдириб бориши лозимлиги келтирилиб, турдош фанлар интеграциясида мавзулар тушунчасини кимёвий қонунлар, моддалар тузилиши, реакция механизмларини кенгроқ кўрсатиб бериш назарда тутилди.

Ўқув фаолият компонентларида, анорганик кимёнинг умумий мақсадидан келиб чиқиб, мавзулар узвийлиги, кетма-кетлиги ва изчиллигини таъминлаш, натижага етиш учун касбий топшириқлар ва уларнинг турлари, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини танлаш назарга олинди.

Зарурий назарий билим, амалий кўникма ва малакалар компонентлари аорганик кимё фанининг негизини белгилаб, талабалар ўзлаштиришларининг минимал талабларини акс эттиради.

Аорганик кимёда тажриба-синов компоненти амалий тавсифда бўлиб, талабаларнинг мустақил бажара олиши лозим бўлган кўникма ва малакаларини белгилаб беради.



**1-схема. Аорганик кимё фанида назария ва амалиёт уйғунлиги.**

Касбий фаолият компоненти келажакда мустақил ишлаш мазмунини белгилайди, бунда эгалланган билимларни педагогик фаолиятда, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт соҳаларида қўлланилиши ва янги вазиятларда мустақил қарор чиқариш учун дедуктив асос мазмуни ёритилган.

Тадқиқот мақсадига кўра, аорганик кимё дарсларида танланган дидактик асослар орқали дедуктив таҳлилдан фойдаланишга йўналтирилган ижодий мазмундаги материаллар мазмуни ва уларни танлаш принциплари тизимлаштирилди. Унга кўра, танланган материаллар аорганик кимёнинг ўқув дастури талабларига мос келиши, талабаларнинг билимларни қийналмасдан ўзлаштиришлари, уларнинг илмий дунёқараши, амалий тафаккурини кенгайтириши, мустақил ва ижодий фикрлаши, мантикий мушоҳада юритишларини ўстириши ва шу каби вазифаларни қамраб олишга эътибор қаратилди.

Диссертациянинг «Аорганик кимё фанини ўқитиш жараёнида дедуктив таҳлилни татбиқ этиш методикаси» деб номланган иккинчи

бобида аорганик кимё фанини ўқитишда дедуктив таҳлил асосида педагогик технологиялардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш, аорганик кимёдан масалалар ечишда дедуктив таҳлилдан фойдаланиш методлари, интерфаол топшириқлар тизими ҳақида фикр юритилган ва мавжуд методика такомиллаштирилган.

Талабаларга кимёвий тушунчалар, ҳаракат жараёни, моддалар тузилиши ва формулалардан фойдаланган ҳолда, масалаларни тушунтириш учун мақбул усул, восита ва методларни танлаш лозимлиги, танланган методлар кўргазмалиликни таъминлаши, усуллар эса ижодий тафаккур қилишга ундаши лозимлиги баён этилган.

Тадқиқот доирасида бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини такомиллаштириш модели ривожлантирилди (2-схемага қаранг). Ишлаб чиқилган бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини такомиллаштириш модели яхлит тизим сифатида ўзида тайёрлов, асосий ва якуний босқичларни қамраб олган бўлиб, мақсадли, методологик, мазмунли, ташкилий-методик ва натижавийлик компонентларини акс эттиради. Тайёрлов босқичи ўзида мақсадли, методологик ва мазмунли компонентларни ифода этади.

Мақсадли компонентни амалга ошириш жараёнида бўлажак кимё ўқитувчиларида дедуктив таҳлил кўникмаларини такомиллаштиришнинг мақсад ва вазифалари аниқлаштирилди. Бўлажак кимё ўқитувчиларида дедуктив таҳлил кўникмаларини такомиллаштириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: дедуктив таҳлил кўникмаларни ривожлантиришнинг моҳияти ва методик тузилмасини аниқлаштириш; дедуктив таҳлил кўникмаларини ривожлантириш мазмунини танлаш ва тизимлаштириш; мантиқ қоидаларига доир методик таъминотни шакллантириш, шунингдек, бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини ривожлантириш имкониятларини фалсафий, психологик-педагогик таҳлил этиш.

Методологик компонент ўзида ўқитишга тизимли, фаолиятли ва шахсга йўналтирилган ёндашувлар ва фундаменталлик, ҳаёт билан уйғунлик, фаоллик ва ижодийлик принципларини акс эттирди.

Мазмунли компонент дедуктив таҳлил кўникмаларини такомиллаштиришнинг назарий асослари: кимёвий тушунчаларнинг илмий асослари, моддалар таркиби ва тузилиши, кимёвий бирикмалар ва уларнинг реакциялари, реакция механизмлари келтирилди. Ушбу компонентнинг методик қисми: аорганик кимёда лаборатория тажрибаларини ўтказиш; ишни бажариш қоидаси ва ҳисоботни тузиш, тажрибалар ўтказиш, инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш акс эттирилди.

Асосий босқичда ташкилий-методик компонентни акс эттирувчи дедуктив таҳлил кўникмаларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи ўқув машғулотлар ташкил қилинди. Шунингдек, амалий компонент ўзида индивидуал ва жамоавий иш шакллари; қўйилган мақсадга эришиш имконини

берувчи воситалар: мантикий фикрлашга доир таҳлилий фикрлаш, креатив фикрлаш, STEAM таълим усулларини акс эттирди.

Дедуктив таҳлил кўникмаларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи ўқув машғулотларида интерфаол маъруза ва амалий машғулотлар, виртуал лаборатория ўқув шаклларида муаммоли ўқитиш, мантикий фикрлашга оид методлардан самарали фойдаланилди.

Яқуний босқичда ишлаб чиқилган модель самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи бўлажак кимё ўқитувчиларининг мустақил фикрлаши, когнитив сифатлари, анорганик кимё ўқув дастурининг фанлараро алоқадорлиги бўйича қиёсий таҳлил асосида аниқлаштирилди. Ушбу моделни татбиқ этиш натижасида бўлажак кимё ўқитувчиларида дедуктив таҳлил кўникмалари такомиллаштирилди.



**2-схема. Бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини шакллантириш модели**

Бўлажак кимё ўқитувчиларида дедуктив таҳлил кўникмаларни такомиллаштиришга эришиш учун тайёрланган ишларда интегратив, продуктив, репродуктив, когнитив, компетенциявий мазмун ташкил этиш зарурлиги эътироф этилди. Мисол ва масалаларнинг мазмуни талабаларда кимё фани ўқитувчиси касбига қизиқишни шакллантиришга хизмат қилиши зарурлиги эътиборга олинди. Қолаверса, тавсияларга дедуктив таҳлил сингдирилиб, дарс жараёнида фойдаланишда мавзуларга мос инновацион технологияларни танлаш зарур, - деб топилди ҳамда уларни етказиш йўли ва воситалари аниқланди.

## 1-жадвал

### Анорганик кимё учун танланган ижодий материаллар мазмуни

Ижодий материаллар мазмунига доир ёндашувлар	Мазмуни	Амалдаги натижа
<b>Интегратив</b>	Фанлараро алоқадорликни ўрнатиш. Анорганик кимё фани доирасида турли табиий фанларни интеграциялаш	Олинган билимлар турли фанлар мазмунида таҳлил этилади. Турли табиий билимларни анорганик кимё фани доирасида интеграциялаш қобилияти, таълимнинг дунёқарашни ривожлантириш функцияси бажарилади.
<b>Продуктив ва репродуктив</b>	Қайта ва қисман қайта яратиш типидagi топшириқлар тизими	Ўқувчиларнинг олган билимлари қисман ижодий фикрлаш ва қайта яратиш мазмунига сингдирилади.
<b>Когнитив</b>	Ижодий ёндашиш мазмунини ўзида жамлаган топшириқлар тизими	Олинган билимлар асосида ижодий мураккаб топшириқларни башоратлаш орқали мураккаб еча олади.
<b>Компетенциявий</b>	Талабаларнинг назарий олган билимларини амалиётда қўллай олишлари	Анорганик кимё фани доирасида олинган билимларни касбий фаолиятда қўллай олади.
<b>Касбга йўналганлик</b>	Танланган топшириқлар касбга қизиқиш ва лаёқатни ўстира олиши	Олинган материаллар мазмуни талабаларга касбий танловни қизиқишдан келиб чиқиб амалга ошириш имкониятини беради.

Ўқув жараёнида дедуктив таҳлилни қўллаш амалий тафаккурни ўстириш, таянч компетенцияларни шакллантиришда устувор ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш**» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, мазмуни, тажриба-синов натижаларининг математик-статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган. Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари таққосланиб, тажриба синфларидаги натижаларнинг самарали эканлиги аниқланди.

Бўлажак кимё ўқитувчиларида анорганик кимё дарсларида дедуктив таҳлилдан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш муаммоси бўйича тажриба-синов ишлари 2013-2020 йиллар мобайнида 4 босқичда ўтказилди. Тажриба-синов ишларининг аниқловчи (2013-2014 йй.) босқичида олий таълим муассасаларида (ОТМ) бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини ривожлантириш имкониятлари, касбий-методик компетентлигини шакллантиришга доир анкета-сўровномалари тақдим этилди, суҳбатлар ўтказилди, кузатиш ишлари амалга оширилди ва мутахассислик, педагогик-психологик ҳамда методик ишлар таҳлил этилди ва

тақиқот муаммолари аниқлаштирилди.

Таъкидловчи босқичда (2014-2016 йй.) ОТМда бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини ривожлантириш ҳамда касбий-методик компетентлигини шакллантиришга қаратилган методик ишлар мазмуни ишлаб чиқилди ва дастлабки тажриба-синов ишларини ўтказиш объектлари танланиб, тажриба-синов жараёнида иштирок этган талабалар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди ва бўлажак кимё ўқитувчилари дедуктив таҳлил кўникмаларининг ривожланганлик мезонлари ва даражалари аниқлаштирилди. Аниқлаштирилган мезон ва даражалар асосида тажриба-синов ишлари ўтказилиб, натижалар математик-статистик таҳлил қилинди.

Тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи (2016-2017) босқичида ишлаб чиқилган методик ишланмалар, режа, дастур асосида ўтказилган тажриба-синов ишларида йўл қўйилган муаммолар ва қийинчиликлар аниқлаштирилди ва уни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган методик ишланмалар (интерфаол технологиялар асосида) такомиллаштирилди ва методик тизим асосида тажриба-синов ишлари ўтказилди. Унда ОТМда бўлажак кимё ўқитувчилари касбий компетентлигининг ривожланиш даражалари аниқлаштирилди.

Яқунловчи босқичда (2017-2020 йй.) тажриба-синов ишларининг натижалари умумлаштирилди ва қиёсий, статистик таҳлил қилинди. Олинган натижалар асосида илмий ҳулосалар шакллантирилди ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари Нукус ДПИ, Жиззах ДПИ, Низомий номидаги ТДПУ бакалавриатининг 5110300-Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналиши талабалари билан аорганик кимё курсини ўрганиш жараёнида ҳамда Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида ўтказилди. Ушбу педагогик тажриба-синов ишларида 12 та гуруҳда 302 нафар талаба ва 77 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этди.

Тадқиқот жараёнида талабаларнинг аорганик кимё ўқув дастури асосида инновацион таълим технологиялари воситасида методик тайёргарлигининг такомиллашганлик даражаларини белгилашнинг қуйидаги мезонлари ривожлантирилди:

когнитив мезон – талабаларнинг олган билимларини ҳаётий вазиятларда тажрибада қўллай олиши; жараёнли мезон – коммуникатив кўникмалар – таълим жараёнида ахборот воситалари, аудитория муҳити билан мақсадли муносабатлар ўрнатиш лаёқати, турли муаммоли вазиятларда топшириқлар ифодаланишининг тушунарлилик даражасини таҳлил қилиш, берилган ижодий ишлар мазмунини ва натижаларни башоратлаш; ҳиссий муносабат ўрнатиш лаёқати; интегратив мезон – аорганик кимёни бошқа фанлар билан интегратив ўрганиш қобилияти, ижодий салоҳият, ўсишга интилиш хусусиятларининг ташкил топтирилиши.

Мазкур мезонлар бўйича бўлажак кимё ўқитувчилари дедуктив таҳлил



кўникмаларининг ривожланганлигини аниқловчи баҳолаш даражалари (рейтинг тизими асосида) ишлаб чиқилди. Унга кўра:

**юқори даража** (86-100 балл) – талаба мантикий-дедуктив фикрлайди, мустақил ва эркин мушоҳада юритади, турли муаммоли вазиятларда оптимал қарор қабул қила олади, фан тушунчалари, қонун ва назарияларни билади, амалий тажрибалар ўтказа олади ва хулоса чиқаради, кимёдан масалаларни бир нета усулда ечади ва фикрлаб тушунтира олади, анорганик кимёнинг бошқа фанлар билан интеграциясини таъминлай олади, таълим жараёнида олган назарий билимларини ўз ҳаётида қўллай олиш кўникмаларига эга;

**ўрта даража** (71-85 балл) – талаба ижодий фикрлайди, лекин ўзида ижодкорлик, қўшимча манбалар билан ишлашга шахсий интилиши етишмайди. Фан тушунчалари, қонун ва назарияларни билади. Анорганик кимёдан масалалар еча олади. Анорганик кимёнинг бошқа фанлар билан интеграциясини таъминлай олади. Дарслик материалларини билиш билан чегараланади;

**паст даража** (55-70 балл) – талабада ижодкорлик, қўшимча манбалар билан ишлашга шахсий интилиши етишмайди. Фан тушунчалари, қонун ва назарияларни қисман билади. Анорганик кимёдан тенглама, формула, таъриф, қоидаларни таҳлил қила олмайди. Дарслик материалларини билиш билан чегараланади;

**Қониқарсиз даража** (0-54 балл) – ижодий фикрлай олмайди, фан тушунчалари, қонун ва назарияларни билмайди, дарсликлар билан ишлай олмайди.

Таъкидловчи (2014-2016) босқичда ОТМда ишлаб чиқилган бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини ривожлантиришга ва касбий-методик компетентлигини шакллантиришга қаратилган методик ишлар мазмуни бўйича талабалар билими даражаси синовдан ўтказилди ва уларнинг натижалари 2-жадвалда келтирилди.

## 2-жадвал

Т/р	ОТМ номи	Мезонлар	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
			Юқори даража (86-100 балл)	Ўрта даража (71-85 балл)	Қуйи даража (55-70 балл)	Қуйдан паст даража (0-54 балл)	Юқори даража (86-100 балл)	Ўрта даража (71-85 балл)	Қуйи даража (55-70 балл)	Қуйдан паст даража (0-54 балл)
1.	Нукус ДПИ	когнитив	5	12	23	10	4	13	21	10
		жараёнли	4	13	22	11	5	11	22	10
		интегротив	5	12	24	9	4	13	23	8
2.	Жиззах ДПИ	когнитив	4	11	24	11	5	13	22	11
		жараёнли	5	11	23	11	4	12	23	12
		интегротив	4	12	22	12	5	13	21	12
3.	ТДПУ	когнитив	6	13	23	10	5	14	22	10
		жараёнли	5	14	24	9	6	15	21	9
		интегротив	5	13	23	11	5	15	23	8
4.	Жами	когнитив	15	36	70	31	14	40	65	31
		жараёнли	14	38	69	31	15	38	66	31
		интегротив	14	37	69	32	14	41	67	28

Олинган натижалар таҳлили ва талабаларнинг синов ишларидаги жавоблари таҳлили асосида ишлаб чиқилган методик ишланмалар, режа, дастур асосида ўтказилган тажриба-синов ишларида йўл қўйилган муаммолар ва қийинчиликларни интерфаол технологиялар асосида бартараф этиш ишларидан сўнг иккинчи оралиқ натижалар олинди ва улар 3-жадвалда акс эттирилди.

**3-жадвал**

Т/р	ОТМ номи	Мезонлар	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
			Юқори даража (86-100 балл)	Ўрта даража (71-85 балл)	Қуйи даража (55-70 балл)	Қуйидан паст (0-54 балл)	Юқори даража (86-100 балл)	Ўрта даража (71-85 балл)	Қуйи даража (55-70 балл)	Қуйидан паст (0-54 балл)
1.	Нукус ДПИ	когнитив	7	17	24	2	4	14	22	8
		жараёнли	6	17	25	2	5	12	23	8
		интегртив	8	19	21	2	5	14	24	5
2.	Жиззах ДПИ	когнитив	6	18	24	2	5	14	23	9
		жараёнли	8	17	23	2	5	13	25	8
		интегртив	7	18	23	2	5	14	24	8
3.	ТДПУ	когнитив	9	20	21	2	5	16	23	7
		жараёнли	8	21	22	1	5	16	22	8
		интегртив	9	20	20	3	5	16	23	7
4.	Жами	когнитив	22	55	69	6	14	44	68	24
		жараёнли	22	55	70	5	15	41	70	24
		интегртив	24	57	64	7	15	44	71	20

Тадқиқот ишининг такомиллаштирилган мазмуни бўйича тажриба-синов ишлари ўтказилиб, якуний натижалар олинди ва уларнинг қийматлари 4-жадвалда келтирилди.

**4-жадвал**

Т/р	ОТМ номи	Мезонлар	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
			Юқори даража (86-100 балл)	Ўрта даража (71-85 балл)	Қуйи даража (55-70 балл)	Қуйидан паст даража (0-54 балл)	Юқори даража (86-100 балл)	Ўрта даража (71-85 балл)	Қуйи даража (55-70 балл)	Қуйидан паст даража (0-54 балл)
1.	Нукус ДПИ	когнитив	10	26	14	0	5	15	23	5
		жараёнли	10	25	15	0	5	14	25	4
		интегртив	11	25	14	0	5	14	24	5
2.	Жиззах ДПИ	когнитив	12	22	16	0	5	15	25	6
		жараёнли	13	21	15	1	5	14	27	5
		интегртив	14	20	16	0	5	15	26	5
3.	ТДПУ	когнитив	16	25	11	0	6	17	24	4
		жараёнли	15	26	11	0	6	16	25	4
		интегртив	16	26	10	0	6	17	24	4
4.	Жами	когнитив	38	73	41	0	16	47	72	15
		жараёнли	38	72	41	1	16	44	77	13
		интегртив	41	71	40	0	16	46	74	14

3-4-жадваллардаги натижаларнинг қиёсий таҳлили кўрсатадики, ОТМда талабалар – бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини ривожлантириш ҳамда касбий-методик компетентлигини шакллантиришга

қаратилган мезонлар ва даражаларда ўзлаштириш даражасининг паст кўрсаткичи камайиб, ўрта ва юқори кўрсаткичлари ошган.


Профессор-ўқитувчилар билан ўтказилган суҳбатлар, сўровлар натижалари, тавсия этилаётган таклифларга дастлабки (тажрибадан олдин) сўровномага жавоблари кўриб чиқилди ва олинган натижаларнинг таҳлили дихотомик (ижобий, салбий) баҳолашга мос бўлгани учун Фишер мезонининг эмпирик қийматини ҳисобловчи қуйидаги формуладан фойдаланилди:

$$\Phi_{эмп} = \left| 2 \arcsin \sqrt{p_1} - 2 \arcsin \sqrt{p_2} \right| \cdot \sqrt{\frac{n_1 \cdot n_2}{n_1 + n_2}}$$


Бу ерда:  $p_1$ ,  $p_2$  ижобий кўрсаткичлари,  $n_1$ ,  $n_2$  лар мос равишда тажриба бошидаги ва тажриба охиридаги профессор-ўқитувчилар сони,  $\Phi_{крит}(0,05)=1,67$ . Ушбу мезонга кўра, қуйидаги статистик фараз илгари сурилди.  $H_0$  гипотеза сифатида  $\Phi_{эмп} < \Phi_{крит}$ , яъни олинган натижаларда фарқ йўқ,  $H_1$  гипотеза сифатида эса  $\Phi_{эмп} > \Phi_{крит}$ , яъни олинган натижаларда фарқ мавжуд бўлиб, у самарадорликка эга деб олинди.

Олинган натижалар тажриба-синов ишининг оралиқ босқичида бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини ривожлантириш ҳамда касбий-методик компетентлигини шакллантиришга қаратилган методик ишлар мазмуни бўйича билим даражаси қисман фарқ қилиб, самарадорликка эга эканини кўрсатди. Студент статистикаси орқали олинган натижаларнинг критик қийматдан катталиги, ишонч оралиқларининг бир-бири билан устма-уст тушиши ва ўқитиш сифатини баҳолаш кўрсаткичининг бирга яқинлиги, билим даражаларини баҳоловчи кўрсаткичларнинг нолдан катталиги, тажриба ва назорат гуруҳларидаги билим даражалари турлича эканини ифодалайди ҳамда статистик гипотеза сифатида  $H_1$  қабул қилинади. Бошқача айтганда, оралиқ баҳолаш орқали олиб борилган тадқиқотнинг тўғрилигини ва самарадорлик кўрсаткичлари ўртача 1,17 баробар юқорилигини кўрсатди.


Мазкур статистик таҳлилдан келиб чиққан ҳолда, тажриба-синов ишлари босқичларидан талабаларнинг ўзлаштириш ва самарадорлик кўрсаткичлари диаграммалари келтирилди.




1-расм. Нукус ДПИда мезонлар бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи




2-расм. Жиззах ДПИда мезонлар бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи



3-расм. ТДПУ да мезонлар бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи



4-расм. Умумий ҳолда мезонлар бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи



5-расм. ОТМда мезонлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари.

Мазкур статистик ҳисоблар ва диаграммаларнинг маълумотларига кўра, олиб борилган тадқиқот ишлари самарадорлиги когнитив мезон бўйича 16%, жараёнли мезон бўйича 16%, интегротив мезон бўйича эса самарадорлик кўрсаткичи 17% га юқори экани статистик методлар орқали исботланди.

## ХУЛОСА

1. Замонавий талабларга жавоб бера оладиган, рақобатбардош, иқтидорли кадрлар тайёрлашда дедуктив таҳлилдан фойдаланишни кучайтириш зарурлиги махсус тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этади.

2. Талабаларга анорганмик кимёни ўқитишнинг дидактик асослари (принцип, шакл ва воситалар) ҳамда уларни таълим жараёнида (репродуктив, продуктив, когнитив) қўллашнинг компетенциявий мазмуни ривожланиши дедуктив таҳлилдан фойдаланиш асосида исботлаб берилди.

3. Анорганмик кимёдан масалалар устида ишлашнинг умумий хусусияти ўрганилиб, таҳлил қилинди. Дедуктив таҳлил асосида ўқитилиши зарур деб формулалар, реакциялар тавсифдаги ҳамда эритмалар концентрацияларини топишга доир масалалар танланди ва дедуктив таҳлилдан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди.

4. Анорганмик кимё дарсларида талабаларнинг ақлий билиш фаолиятини ўстириш, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган кадрлар тайёрлаш мақсадида ижодий материаллар мазмуни, уларни танлашда фойдаланилган маълумотлар базаси аниқлаштирилди ҳамда ҳар томонлама таълим жараёнида сифат ва самарадорликни ўстириш учун мантиқий фикрлашга ундовчи методик таъминот асосида такомиллаштирилди.

5. Анорганмик кимё дарсларида дедуктив таҳлилни қўллаш модели ишлаб чиқилди ва таълим ресурсидан фойдаланиш жараёнида шакллантириладиган компонентларни (коммуникатив, электрон ахборот таълим ресурсидан фойдаланиш, ўз устида ишлаш, креативлик, башорат қилиш) ўз ичига олган механизмнинг самарали экани тасдиқланди.

6. Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик методлар ёрдамида қайта ишлашга кўра, тадқиқот ишида илгари сурилган ғояларнинг тўғри қўйилганлиги асосланди ва анорганмик кимё дарсларида дедуктив таҳлилдан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тажриба-синов иши якуни унинг самарадорлигини тасдиқлади.

7. Анорганмик кимё дарсларида дедуктив таҳлилдан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга доир таклифлар кимё ўқитиш методикаси таълим йўналишининг Малака талаблари ҳамда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигига қўйиладиган талабларни такомиллаштиришга хизмат қилди.

Тадқиқот натижалари анорганмик кимё фанида дедуктив таҳлилдан фойдаланиб ўқитиш бўйича қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди:

1. Бўлажак ўқитувчиларни халқаро баҳолаш тизимини амалиётга жорий эта оладиган қилиб тайёрлашда таълим жараёнини табақалаштириш асосида ишлаб чиқилган махсус схема ва методик манба ёрдамида ташкил этиш.

2. Анорганмик кимё дарсларида атом тузилиши, кимёвий боғланиш ва эритмалар ҳамда бошқа бўлимларни дедуктив таҳлилдан фойдаланиб,

ўргатишга доир тавсиялар, илмий ва амалий ёндашувларни ишлаб чиқиш, уларни таълим мазмунига сингдириш.

3. Тадқиқот иши давомида ишлаб чиқилган бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўникмаларини шакллантириш бўйича илмий-методик тавсияларни оммалаштириш ҳамда улардан ўринли ва унумли фойдаланишга эришиш лозим.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12. 2019.К.01.03  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**БЕРДИКУЛОВ РАВШАНЖОН ШАВКАТОВИЧ**

**ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ ДЕДУКТИВНОГО АНАЛИЗА  
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ХИМИИ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ  
ОБРАЗОВАНИЯ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (химия)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ– 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Ped314.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ik-kimyo.nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Миркомиллов Шавкат Миромиллович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Махмудов Юсуп Ганиевич**  
доктор педагогических наук, профессор

**Нуралиева Гузал Абдухамидовна**  
кандидат химических наук, доцент

**Ведущая организация** **Навоийский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.03/30.12. 2019.К.01.03 при Национальном университете Узбекистана (адрес: 100174, город Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом №4). Тел.: (99871) 246-67-35 / факс: (99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №\_\_\_\_). Адрес: 100174, город Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом №4). Тел.: (99871) 246-67-35.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Х.Т. Шарипов**  
Председатель разового Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.х.н.  
профессор

**Д.А.Гафурова**  
Ученый секретарь разового Научного совета  
по присуждению ученых степеней, к.х.н. доцент

**З.А.Сманова**  
Председатель Научного семинара при  
разовом Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.х.н. профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировых масштабах в условиях цифровой экономики внедрены механизмы развития эффективности образовательных процессов посредством внедрения в предмет навыков будущих учителей индуктивного и дедуктивного анализа, правил логики. Во Всемирном Форуме с участием более 1600 представителей из более 160 стран мира, прошедшего в городе Инчeon Республики Корея в мае 2015 года образование признано в мировых масштабах в качестве основного фактора устойчивого развития, в Международной Концепции образования до 2030 года «Образование 2030» – Инчeonской Декларации, принятой в нем, в качестве актуальной определена задача создания возможностей для получения качественного образования в течении всей жизни. В системе непрерывного образования уделяется большое внимание использованию технологий, направленных на повышение уровня методической подготовки, развитию творческого мышления в профессиональной деятельности педагогов, в частности учителей.

В ведущих высших образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира проводятся научные исследования по развитию навыков индуктивного и дедуктивного анализа будущих учителей химии, широкому использованию технологий дедуктивного анализа в преподавании химии, совершенствованию международной программы оценки, модернизации содержания образования на основе интегративного подхода к преподаванию химии, внедрению информационных технологий в образование. Вместе с тем, особое внимание уделяется научно-исследовательским работам, направленным на такие вопросы, как развитие способностей творческого мышления студентов, совершенствования их профессиональных компетенций, внедрение информационных технологий в преподавание неорганической химии, обеспечение органичности теории и практики в обучении.

В нашей стране разработаны нормативные основы перехода на XI летнее образование, организации профессиональных образовательных учреждений, создания новых классификаторов, учебных планов и программ, создана необходимая материально-техническая основа преподавания химии. В постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология» от 12 августа 2020 года особо подчеркнуто, «углубленное обучение по предметам «химия» и «биология» даст толчок строительству новых производственных предприятий в регионах, ускоренному развитию отраслей фармацевтической, нефтегазовой, химической, горнодобывающей и пищевой промышленности, создающих высокую добавленную стоимость, в конечном итоге создаст прочную основу для улучшения условий жизни и повышения доходов населения». Создаются возможности для повышения качества непрерывного образования,

результативности проводимых научно-исследовательских и инновационных работ по направлениям химия и биология.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, постановлении №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология»» от 12 августа 2020 года, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №187 «Об утверждении государственных образовательных стандартов среднего и среднего специального, профессионального образования» от 6 апреля 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** В сфере методики преподавания химии узбекскими учеными проведен ряд исследований, вопросы формирования творческой познавательной деятельности по химии и развития мыслительных способностей учащихся и студентов исследовали Х.Т.Омонов, Н.Г.Рахматуллаев, Ш.М.Миркомиллов, М.Нишанов, Ш.К.Мамажанов, Ф.Алимова, Л.Зайлобов, О.Стешина, М.Ажиева, Х.Ражабов, Б.Думонов, И.Шерназаров, Ш.Шомуротова; совершенствования содержания образования – А.А.Абдукодиров, Б.С.Абдуллаева, Б.Х.Ходжаев, Г.Н.Ибрагимова, А.Р.Арипджанова, А.Ю.Бакирова, Б.С.Садуллаева, З.Х.Абдиназарова, У.Н.Абдиев, А.С.Абрахманова, Г.А.Умарова, Г.М.Эргашева, Г.С.Эргашева, М.Джораев, Ю.Г.Махмудов, Ж.Усаров, Э.Хужанов и др.

